

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил август ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди, Сариосиё тумани “С.Шерозий” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи В.Х.Норбеков, А.Салимовнинг котиблигида, тарафлардан Сариосиё туман прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Махсудов, судланувчи Н.Хусанов ва унинг ҳимоячиси “Сурхон мезони” адвокатлик фирмаси адвокати А.Жабборованинг иштирокида, Хусанов Нодирбек Холмуротовичга нисбатан 1-1911-2201/105-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хусанов Нодирбек Холмуротович (Xusanov Nodirbek Holmurotovich), 1985 йил 12 апрель куни Сариосиё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2004 йил 17 ноябрь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2005 йил 4 май кунидаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 1 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2006 йил 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандига асосан жазодан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2007 йил 12 январь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ туман судининг 2008 йил 9 сентябрь кунидаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 13 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,



3) жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг 2013 йил 12 март кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2014 йил 3 июнь кунидаги ажримига кўра, ўталмай қолган 2 йил 7 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судининг 2015 йил 18 март кунидаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 10 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

4) жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судининг судининг 2016 йил 25 март кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

5) жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг судининг 2017 йил 21 ноябрь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 11 ой 10 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш баравари миқдорида 11.233.125 сўм жарима жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судининг 2018 йил 5 апрель кунидаги ажримига кўра, ЖКнинг 44-моддасига асосан ундирилмаган 10.633.125 сўми жарима жазоси 3 ой 29 кун озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, 2018 йил 14 августда жазони тўлиқ ўтаб бўлган, вақтинчалик ишсиз, Сариосиё тумани, “Афросиёб” маҳалласи, Т.Хасанов кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича унга нисбатан гаров эҳтиёт чораси



қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 30 июнь куни олган, сўздан соғлиғи яхши, судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Н.Хусанов 2022 йил 26 май кунига қадар Сариосиё тумани, “Афросиёб” маҳалласи, Т.Хасанов кўчасидаги рақамсиз уйида 4 дона тувакда турган 7 туп “Каннабис” (наша) ўсимлигини қонунга ҳилоф равишда экиб, парвариш қилиб келган. 2022 йил 26 май куни соат 18.00 да Сариосиё туман ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Сариосиё тумани, “Афросиёб” маҳалласи Т.Хасанов кўчасида яшовчи Н.Хусановнинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжаликлари кўздан кечирилганида, у яшаш уйининг чап ён томонида 4 дона тувакда турган 7 туп “Каннабис” (наша) ўсимлигини қонунга ҳилоф равишда экиб, парвариш қилиб келаётганлиги аниқланиб, ушбу аниқланган 7 туп “Каннабис” (наша) ўсимлиги далилий ашё тариқасида тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиб олинган.

Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 2022 йил 27 майдаги 185-сонли хулосасига кўра, Н.Хусановнинг яшаш уйидан ҳужжатлаштириб олинган ўзига хос ҳидга эга бўлган 7 туп марказий поясига эга бўлган ўсимликлар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, таркибида гиёҳванд мавжуд бўлган ўсимликлар турига кирувчи “Каннабис” (наша) ўсимлиги эканлиги кўрсатилган.

Сурхондарё вилоят суд наркалогия экспертизасининг 2022 йил 9 июнь кунигаги 105-сонли хулосасига кўра, Н.Хусанов наша истеъмол қилиш ҳолати билан касалланмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаб мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Н.Хусанов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил апрель ойида уйи атрофидаги “Тўпаланг” дарёси бўйидан ўралган ҳолатдаги латта бўлагини топиб олганлиги, ичини очиб қараганида “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини уруғи эканлигини билганлиги, ушбу урғуларни келгусида ўзини истеъмол қилиши учун яшаш уйи томорқасидаги экилган пиёзни орасига экканлиги, 7 дона “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги ўсиб чиққанлиги, ушбу ўсимликни парвариш қила бошлаганлиги, “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини бўйи тахминан 2-3 см бўлган вақтида барчасини олиб 4 тувакка кўчириб, парвариш қилиб, тагларини юмшатиб, сув қўйиб, қараб келганлиги,



2022 йил 26 май куни ўзини шахсий ишлари билан Тожикистон Республикасига кетганлиги, 2022 йил 26 май куни соат 17.00 ларда уйига ИИБ ходимлари келишиб, яшаш уйи ва ёрдамчи хўжаликларини текшириб, 4 тувакка экилган 7 дона “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини топишганини 2022 йил 30 май куни уйига ҳол-аҳвол сўраш учун телефон қилганида, турмуш ўртоғи М.Хусановадан эшитганлиги, бу хабарни эшитиб, ўзи зудлик билан Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиб, ўз айбига иқрорлик билдириб, туман ИИБга борганлиги, ўзини “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини парвариш қилиб келганини турмуш ўртоғи М.Хусановага айтмаганлиги, турмуш ўртоғи М.Хусановани тувакка экилган нарсани “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги эканидан хабари бўлмаганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, ушбу “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини келажакда ўзини истеъмол қилиши учун парваришлаб келганлиги, ўзини оилавий аҳволини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Хусанова суд мажлисида, 2022 йил 26 май куни соат 18.00 да яшаш уйида бўлган вақтида ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини таништиришиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, “Қорадори-2022” тадбири ўтказилаётганлиги ҳамда “Х” исмли шахснинг аризаси ва олинган тезкор маълумот асосида уйини кўздан кечиришларини айтишганлиги, сўнг ўзи турмуш ўртоғи Н.Хусанов томонидан 4 дона тувакка парваришлаб келинаётган ва ўзи гул ўсимлиги деб ўйлаган ўсимликни ИИБ ходимларига кўрсатганлиги, ИИБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида видеокамера қўллаган ҳолда ўзи кўрсатган жойни кўздан кечиришиб, 4 дона тувакка экилган 7 туп ўсимликни “наша” гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик деб айтишиб, экспертиза текшируви учун ҳужжатлаштириб олишганлиги, ИИБ ходимлари ўзи ва холислар иштирокида олинган 7 туп ўсимликни ўлчаб кўришганида 15-30 см узунликда эканлиги аниқланганлиги, сўнг олинган ўсимликлар томири билан пакетга солиниб муҳрланганлиги, ушбу ўсимликни қандай ўсимлик эканини ўзи умуман билмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ И.Вахобов суд мажлисида, 2022 йил 26 май куни соат 17.30 ларда таниши У.Бозоров билан Сариосиё тумани, “Афросиёб” маҳалласи ҳудудида юрганида фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, ўзларини ИИБ ходимлари деб таништиришиб, бир иш юзасидан холис бўлиб ўтишни сўрашганлиги, ўзлари рози бўлишганлиги, кейин ИИБ ходимлари билан биргаликда кейинчалик билишича Н.Хусановнинг яшаш хонадонига боришганлиги, хонадон эгаси ўзини М.Хусанова деб таништирганлиги, ИИБ ходимлари М.Хусановага “Қорадори-2022” тадбири ўтказилаётганлиги ҳамда “Х” исмли шахснинг аризаси ва олинган тезкор маълумот асосида уйини кўздан кечиришларини айтишганлиги, М.Хусанова турмуш ўртоғи Н.Хусанов уйининг чап ён томонида 4 дона тувакка қандайдир



ўсимликни парваришлаб келинаётганини, ўзи қандай ўсимлик эканини билмаслигини айтиб, ўсимликни ИИБ ходимларига кўрсатганлиги, ИИБ ходимлари ўзларини иштирокида видеокамера қўллаган ҳолда М.Хусанова кўрсатган жойни кўздан кечиришиб, 4 дона тувакка экилган, тагига минерал ўғитлар солиниб, махсус ишлов берилган 7 туп ўсимликни “наша” гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик деб айтишиб, экспертиза текшируви учун ҳужжатлаштириб олишганлиги, ИИБ ходимлари ўзларини иштирокида олинган 7 туп ўсимликни ўлчаб кўришганида 15-30 см узунликда эканлиги аниқланганлиги, сўнг олинган ўсимликлар томири билан пакетга солиниб муҳрланганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Н.Хусановнинг жиноят содир этганликда айби, ўзининг суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳлар М.Хусанова ва И.Вахобовнинг суд мажлисидаги кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларидаги кўздан кечириш ва ашёни олиш ҳақидаги баённомаси, Сурхондарё вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлимининг хулосаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Н.Хусановнинг жиноий ҳаракати тергов органи томонидан тақиқланган экинларни, яъни таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган 7 туп “каннабис” ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиш ва етиштиришда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган ҳисоблайди.

Суд судланувчи Н.Хусановга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандига кўра, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлигидан келиб чиқиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни тайинлашни, унга нисбатан қўшимча равишда назорат қилувчи органнинг рухсатсиз розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Сурхондарё вилоятини тарк этмаслик мажбуриятларини юклашни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, ДХХ Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига 2022 йил 13 июнь куни №00078-сонли квитанция асосида топширилган 7 туп “Каннабис” гиёҳвандлик ўсимлигини йўқ қилишни;



иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, Сариосиё туман ИИБда сақланаётган 4 дона тувакларни йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463-моддаси 2-қисми 1-банди, 465-468, 471,473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Хусанов Нодирбек Холмуротович (Xusanov Nodirbek Holmurotovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хусанов Нодирбек Холмуротовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хусанов Нодирбек Холмуротовичга сутканинг муайян вақтида, яъни кеч соат 21.00 дан эрталаб 07.00 га қадар Сариосиё тумани, “Афросиёб” маҳалласи, Т.Хасанов кўчаси, рақамсиз уйдаги яшаш жойидан чиқиш чеклансин, шунингдек, Сариосиё туман ИИО Пробацяя гуруҳининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Сурхондарё вилояти худудидан ташқарига чиқмаслик мажбуриятлари юклатилсин.

Хусанов Нодирбек Холмуротович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, ЖКнинг 48¹-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, озодликдан чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни (чекловларни) бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Жазо муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини назорат қилиш Сарисоё туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Хусанов Нодирбек Холмуротовичга нисбатан қўлланилган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаров тариқасида Л.Нишонова томонидан Сурхондарё вилоят ИИБнинг депозит рақамига 2022 йил 6 июнь куни квитанция асосида тўлаган 6.000.000 сўм пуллар Л.Нишоновага қайтарилсин.



Иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, ДХХ Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига 2022 йил 13 июнь куни №00078-сонли квитанция асосида топширилган 7 туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги йўқ қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, Сариосиё туман ИИБда сақланаётган 4 дона туваклар йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида, судланувчи ҳукм кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

имзо

В.Х.Норбеков

Аслига тўғри

В.Х.Норбеков

